

«AUTO RUBBER» МЧЖДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт «Auto Rubber» МЧЖда (бундан буён – «Жамият») юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар Жамиятдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

3. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйдагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутаяди:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Жамиятда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни

минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил – Жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса юзасидан маълум бир соҳада махсус билимларга эга жисмоний шахс томонидан берилган хулоса.

ўзига хос хавф-хатар – Жамият фаолияти ва амалга ошириладиган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-

таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Жамият раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс хизмати қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек Жамиятга мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Жамият раҳбари ва тегишли соҳа директорларига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар билан келишади;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услугабиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс хизмати зарур ҳолларда Жамият раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказди;

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

тегишли тизим корхоналарнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услугабиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли тизим корхоналарнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услугабиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услугабиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

9. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳоланишнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Жамият ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳоланиш ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан тепага (Жамият даражасигача), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

12. Комплаенс хизмати ушбу Услугабиётга 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Жамиятнинг бўлимларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Комплаенс хизмати Жамият учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс хизмати томонидан Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишилади.

14. Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тизим корхона раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс хизматига кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Жамият Жамияти, тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс хизмати ходимлари тегишли тизим корхонага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

16. Комплаенс хизмати ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

17. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс хизмати Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Жамият Комплаенс хизмати тақдимномасига асосан Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

20. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс хизмати ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс хизмати ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга

асосан корхонанинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Комплаенс хизмати билан келишилгандан сўнг корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

23. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс хизмати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Жамият раҳбари томонидан тадиқланади.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

24. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Жамият раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс хизмати бўлим раҳбарлари ва соҳа директориға олдинги баҳолаш давриға нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларға киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётға 4-иловаға мос шаклда Сўровнома юборади.

27. Комплаенс хизмати тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қилади.

4-боб. Жамиятда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Жамиятнинг функцияларини тартибға солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирға хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

манфаатдор томонлар ва шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Жамиятнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид муурожаатлар;

Жамият фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар; коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари;

Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жинойт ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Жамиятнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция қуйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Жамиятнинг Ички назорат тузилмасининг асосли ҳулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ходисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услуобиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услуобиётининг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услуобиёти 5-иловасидаги 5.1 расм).

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

хар бир чора Жамият ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

хар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олинishi зарур.

34. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётининг 6-иловаси).

35. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

6 боб. Яқуний қоидалар

36. Зарурат бўлганда, Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбарига таклифлар киритилади.